

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини шакллантириш ва стандартлаштириш давлат тизимини ислоҳ қилиш КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 211-модда) Ўзбекистон иқтисодиёти маҳсулот, ишлар, хизматларга талаблар ўрнатишнинг халқаро амалиётга яқин бўлган мутлақо янги тизимига ўтмоқда. Қонун, мажбурий талабларни ўрнатиш, қўллаш ва бажариш соҳасида, шунингдек маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида талабларни ихтиёрий асосда ўрнатиш ва қўллаш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади.

Қонун қоидаларининг амалга оширилиши хавфсизлик даражасини маъмурий аралашувнинг минимал ҳолатида таъминлайди ва бозорда хавфли ҳамда сохталаштирилган маҳсулот пайдо бўлишининг олдини олишга, шунингдек халқаро савдодаги техник тўсиқларни камайтиришга замин яратади.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги» Қонун орқали Ўзбекистонда жорий этилган техник жиҳатдан тартибга солиш – тизимли ёндашув, яъни - **техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини** ишлаб чиқиш ва ишлашини таъминлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлган мураккаб илмий-техник вазифадир (Ўзбекистон Республикаси «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 6 моддаси).

I. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини шакллантириш

1.1. Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг асосий принциплари

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига биноан қуйидагилар белгиланган:

техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги, чунки техник регламент бир турдаги маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига мажбурий талабларни ўрнатувчи, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ҳисобланади;

техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги, яъни техник регламент Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўлланилади;

техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги. Таъриф бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар таркибига қуйидагилар киради:

- техник регламентлар;
- стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар;
- санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари;
- шаҳар қурилиш, экологик нормалари ва қоидалари;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;
- техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиклиги.

«Ўзстандарт» агентлигига юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

- амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

- республиканинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

- ишлаб чиқиладиган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш топширилган.

1.2. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг таркиби

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

-техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари («Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давархитектқурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси);

-техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг келтирилган таркиби тизимни бошқариш асосидир. Тизимнинг норматив-ҳуқуқий базасини қонун ҳужжатлари, Ҳукумат қарорлари, техник регламентлар, стандартлаштириш соҳасидаги ҳужжатлар (халқаро, давлатлараро, минтақавий, миллий стандартлар, усулиятлар, йўриқномалар, тавсияномалар), қоидалар ва нормалар (санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария, шаҳар қурилиши, экологик ва бошқалар), техник ҳужжатлар (конструкторлик, технологик, лойиҳа, қурилиш, дастурий, фойдаланиш, тузатиш) ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа кўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Ушбу ҳужжатларнинг барчаси Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими каби аниқ бир яхлитликни яратиш мақсадида ўзаро боғлиқ бўлиши ва доимий равишда актуаллаштирилиб борилиши керак. Шунингдек эксперт кенгашлари, эксперт комиссиялари, Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди ҳам тизимнинг муҳим элементлари бўлиб ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини шакллантиришга тизимли ёндашиш ҳамда Стандартлаштириш давлат тизимини тубдан ислоҳ қилиш талаб этилади.

II. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини шакллантириш асослари

Ҳар қандай тизим, қатор илмий-техник асосларга таянади, бу қоида Давлат тизимига ҳам тааллуқли. Қуйидагилар Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг туб негизлари ҳисобланади:

ҳуқуқий асослар;
ташкилий асослар;
атамалар ва таърифлар;
tizim элементларининг таснифланиши;
асосий қоидалар;
назарий асослар.

2.1. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни тизимнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади, шу асосда, яъни ушбу Қонун қабул қилиниши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши керак.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофаза қилиниши, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифаларидир. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида», «Ўсимликлар карантини тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида», «Уруғчилик тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Чикиндилар тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида», «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» ги ва бошқа ўнлаб қонун ҳужжатлари орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур масалалар бўйича халқаро шартномалар ва битимларда фаол иштирок этади. Масалан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон Европа иттифоқи, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Туркия, Украина ва бошқа мамлакатлар билан битимлар имзолаган.

Кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари, халқаро ва икки томонлама битимлар ҳам техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2.2. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг ташкилий асослари

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан қуйидаги қонун ости ҳужжатларини тизимнинг ташкилий асослари қаторига киритиш лозим:

а) «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган:

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисидаги Низоми;

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низоми;

-2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури.

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қарори.

в) “Ўзстандарт” агентлигининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари ҳақидаги низомини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи.

2.3 Асосий атама ва таърифлар

“Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг иш режасида “Атамалар ва таърифлар” стандартини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Атамалар ва таърифлар манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, атамашуносликка оид амалдаги халқаро стандартлар ва Ўзбекистон давлат стандартлари.

2.4 Тизим элементларининг таснифланиши

Техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот умумдавлат таснифлагичлари томонидан таснифланадиган барча даражадаги стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар, санитария-гигиеник, ветеринар-санитария, фитосанитария, шаҳарсозлик экологик нормалар ва қоидаларни ўз ичига олувчи, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг элементлари бўлиб ҳисобланади.

2.5 Асосий қоидалар

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими техник жиҳатдан тартибга солишга доир қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун тузилади:

инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахслар ва давлатнинг мол-мулки, атроф муҳит хавфсизлиги ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

товарлар ва хизматлар савдосидаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир риоя этилиши мажбурий бўлган талабларни ўрнатовчи техник регламентлар Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг норматив базаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида умумий ва махсус техник регламентлар қабул қилинади.

Умумий техник регламентлар ва махсус техник регламентлар, шунингдек уларга қилинган ўзгартишлар ва қўшимчалар давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланган дастурлар бўйича ишлаб чиқилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурининг лойиҳаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давархитектқурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таклифлари бўйича “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тузилади.

Умумий техник регламентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Махсус техник регламентлар «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давархитектқурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тасдиқланади.

Техник регламентлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қоидага биноан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли органлар томонидан ташкил этиладиган эксперт комиссияларининг хулосаларига асосан тасдиқланади.

Шунингдек, Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорига биноан “Ўзстандарт” агентлиги томонидан шакллантирилиши лозим.

2.6. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг белгиланиши

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими учун давлат тилидаги **TJTSDT** аббревиатураси кўринишида қисқартирилган ном белгилаш ҳамда Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига тармоқлараро стандартлаштириш тизимининг 18 табақасини бериш тавсия этилади.

2.7. Техник жиҳатдан тартибга солиш Давлат тизимининг назарий асослари.

Техник жиҳатдан тартибга солишга тизимли ёндошувнинг умумий шартлари

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига биноан - техник жиҳатдан тартибга солиш — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажаришдан иборат.

XXI аср МДҲ давлатларида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини шакллантириш бўйича қонун ижодкорлиги билан эътиборга молик. Ушбу тушунчага расмий мақом бериш учун тегишли қонунлар қабул қилинган (мисол учун, Белоруссия, Қозоғистон, Россия, Ўзбекистон, Украина ва бошқаларда).

“Техник жиҳатдан тартибга солиш” тушунчасини кенг маънода шарҳлаш бу бирор-бир объектга **талаблар ўрнатиш** билан белгиланади. Мисол учун, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларда ушбу тушунча атроф-муҳитни сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, маҳсулотлар техник мувофиқлигини таъминлаш мақсадида стандартларни ўрнатиш ва уларга риоя этишни назорат қилиш сифатида тушунилади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги Ташкилоти доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш - бу давлат томонидан маҳсулотга техник талабларни ўрнатадиган ҳужжатлар деб тушунилади. Талабларни ўрнатиш

МДХ давлатларида ҳам техник жиҳатдан тартибга солишнинг энг муҳим элементи деб ҳисобланади.

”Стандартлаштириш” тушунчаси шубҳасиз, техник жиҳатдан тартибга солиш каби талаблар ўрнатиш орқали инсоннинг барча фаолият доирасини тартибга солишга йўналтирилган.

Кўпгина европа давлатлари ва АҚШда “техник жиҳатдан тартибга солиш” ва “техник регламент” тушунчалари қўлланилмайди. Уларда махсус ваколатли эксперт комиссияси қарори бўйича ихтиёрий стандартлар мажбурий тус олади ёки қонунчилик ҳужжатларида ихтиёрий стандартларга ҳаволалар киритилади. Мисол учун Беларусь Республикасида “техник нормалаш” тушунчаси қўлланади (норма - лотичадан норма – қонунлаштирилган қоидалар, тан олинган мажбурий тартиб, тасдиқланган чора).

Шундай қилиб, стандартлаштириш техник жиҳатдан тартибга солишнинг норматив асосларини, демакки техник регламентларни яратади.

2.7.1. Техник жиҳатдан тартибга солиш Давлат тизимининг норматив-ҳуқуқий ва қонунчилик асосларини яратиш

Куйидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган:

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан “Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” ги Қонун лойиҳаси;

“Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низоми, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатлар давлат фонди тўғрисида қарори лойиҳаси;

“Ўзстандарт” агентлигининг Эксперт кенгашлари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси;

Техник жиҳатдан тартибга солиш Давлат тизимини шакллантириш Концепцияси ва уни амалга ошириш дастури лойиҳаси;

Техник жиҳатдан тартибга солиш Давлат тизимининг асосий қоидалари.

Ишлаб чиқариш лозим:

Стандартлаштириш бўйича асос бўлувчи барча норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар лойиҳалари.

III. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимини ислоҳ қилиш асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни Бутунжаҳон савдо ташкилотининг савдодаги техник тўсиқлар бўйича Келишувига мувофиқ маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга қўйиладиган талабларни стандартларда риоя қилиниши ихтиёрий ва техник регламентларда риоя қилиниши мажбурий тарзда ўрнатиб, икки тоифали тизимга ўтишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни стандартларга маҳсулот, атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки

хавфсизлигига доир мажбурий талаблар билан бирга қуйидаги талабларни ҳам киритган:

- техник ва инфор­мацион муво­фикликни таъминлаш;
- ўзаро ал­ма­ш­ин­ув­чан­лик кўрсаткичлари;
- уларни назорат қилиш усуллари бирлиги;
- тамғалаш бирлиги.

ЎзСДТда стандартлаштиришнинг қуйидаги тоифалар ўрнатилган:

- давлатлараро стандартлаштириш – Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш Кенгаши (ДСК) ҳамда стандартлаштириш, техник нормалаш ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро илмий-техника комиссиясида тасдиқланиб, «Ўз­стан­дарт» агентлиги, Давархитектқурилиш қўмитаси қарорлари (бўй­руқ­лари) асосида Ўзбекистон ҳудудида амалга киритиладиган давлатлараро стандартлар(ГОСТ), давлатлараро стандартлаштириш қоидалари (ДСК), давлатлараро стандартлаштириш Кенгаши тавсиялари;

- давлат стандартлаштириши - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (узлуксиз таълим тизимида), Мудо­фаа ва­зир­ли­ги, Соғ­лик­ни сақлаш ва­зир­ли­ги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давархитектқурилиш, «Ўз­стан­дарт» агентлиги томонларидан тасдиқланадиган Ўзбекистон давлат стандартлари (O`z DSt);

- тармоқ стандартлаштириши – давлат ва хўжалик бошқарув органлари тасдиқлаб берадиган тармоқ стандартлари (TSt);

- маъмурий-худудий стандартлаштириш – ҳокимият (маҳаллий бошқарув органлари) ёки улар топшириғи бўйича ваколатли худудий ташкилотлар тасдиқлаб берадиган маъмурий-худудий стандартлар (MHSt);

- ташкилотларда, корхоналарда стандартлаштириш – хўжалик юритувчи субъектлар (тадбиркорлик субъектлари) томонидан тасдиқланадиган корхоналар стандартлари (KSt);

- техник шартлар (TSh) – тармоқ ва ташкилотлар доирасида тасдиқланади – аниқ стандартлаштириш тоифасига тегишли эмас, чунки ҳамма даражадаги стандартларнинг таркибий қисмида бўлиши мумкин;

- раҳбарий ҳужжатлар (RH) – стандартлаштиришнинг ҳамма тоифасида тасдиқланган бўлиши мумкин ва ишларни ўтказишнинг тартиб ва мазмуни, методлар (услуглар, усуллар)ини белгилайди, риоя этиш учун мажбурий ташкилий-усулий характерга эга раҳбарий кўрсатмаларни ўз ичига олади. Раҳбарий ҳужжатлар маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга талаблар ва техник нормаларни ўз ичига олмайди;

- тавсиялар (Т) – раҳбарий ҳужжатларга айнан ўхшаш, лекин риоя қилиш шарт эмас. Стандартлаштиришнинг барча тоифасида тасдиқланган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига муво­фик (6-модда) маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга ўрнатилган мажбурий талаблар ҳамма норматив ҳужжатларда бўлиши лозим. Шунингдек ушбу талаблар маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг турлари, бир турдаги маҳсулотлар таркибидаги гуруҳлар норматив ҳужжатларида ҳам тақ­ро­р­ланади.

Шуни қайд қилиш керакки, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига талаблар ягона ҳужжатда, яъни бир турдаги маҳсулотлар техник регламентида тўпланиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган мақсадларга эришишни таъминлаш техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими мажбурий талабларининг кенг спектрини ўзига қамраб олади. Уларга техник регламент таркибига киритиладиган қуйидаги талаблар тегишли:

• атамаларга, ўров-идишга, тамғаларга ёки ёрликларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга доир талаблар;

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қоидалари ва усуллари.
- давлат назоратини амалга ошириш тартиби;
- маҳсулотни синаш тартиб-таомиллари, назорат қилиш, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартиби;
- санитария, ветеринария ва фитосанитария чоралари;
- карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан ҳайвонлар ва ўсимликларни ташиш билан боғлиқ талаблар;
- намуналар олиш усуллари ва тартиб-таомиллари, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари;
- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга махсус талаблар бўлиши мумкин:
 - қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг муҳофаза қилинишини таъминлайдиган;
 - техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига, атроф муҳитга таҳдид солувчи трансчегаравий хавфли ишлаб чиқариш объектларига оид.

IV. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизимини (Ўз СДТ) ислоҳ қилиш

Ўз СДТни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ислоҳ қилиш мўлжалланмоқда: стандартлаштиришни бошқариш асослари; халқаро ва минтақавий стандартлардан кенг фойдаланиш; стандартлаштириш тоифалари сонини оптималлаштириш; маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга стандартлардан фойдаланиш ихтиёрийлиги.

4.1. Стандартлаштиришни бошқариш

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига биноан хавфсизлик талабларини давлат томонидан техник нормалаш давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолиятида устувор йўналиш бўлиб қолган: маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга умумий техник регламентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, махсус техник регламентлар эса «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давархитектқурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда давлат бошқаруви органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тасдиқланади.

Стандартлар ихтиёрий мақомига ўтиши билан маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни уларнинг аҳолининг ҳаёти ва саломатлигига, мол мулкига, атроф муҳитга бўлган хавфсизлик кўрсаткичларидан ташқари барча талабларни давлат томонидан техник нормалаш зарурати йўқолади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимини Ўзбекистон стандартлаштириш миллий тизими сифатида қайта тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу тизимда ҳам Ўз СДТ дек стандартлаштиришни бошқаришга тизимли ёндашув сақланади.

Янги тизимда Ўз СДТда фойдаланилган стандартлаштиришнинг кўплаб тоифалари ўрнига фақат тўртта тоифа киритилади: халқаро (минтақавий) стандартлар; Ўзбекистон давлат стандартлари; хорижий давлатларнинг миллий стандартлари; ташкилот стандартлари.

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган иккита тоифа ўртасидаги стандартлар (тармоқ стандартлари, маъмурий-худудий стандартлар, ҳамда техник шартлар мустақил ҳужжат сифатида) чиқариб ташланади. О`з DSt ISO 9000:2009га биноан *“Ташкилот - масъулияти, ваколати ва ўзаро муносабатлари тақсимланган ходимлар гуруҳи ва ўзаро муносабатларнинг зарур воситалари. Мисол - Компания, корпорация, фирма, корхона, муассаса, хайрия ташкилоти, чакана савдо корхонаси, ассоциация, шунингдек уларнинг бўлинмалари ёки улардан тузилган бирлашма. Изоҳ - Ташкилот давлат тасарруфида ёки хусусий бўлиши мумкин”*. Шундай қилиб тармоқ стандартлари ташкилот стандартларига айланади (ўзгаради).

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш миллий органи сакланиши лозим. Бу зарурат, чунки стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ИСОнинг Процедуралари қоидаларига биноан, фақатгина миллий стандартлаштириш органига эга бўлган давлат ИСОнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиши мумкин. (Акс ҳолда давлат ИСОга мухбир-аъзо бўлади). Шунингдек имзоланган халқаро битимларга биноан стандартлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштиришни ягона стандартлаштириш органи амалга ошириши мумкин.

Стандартлаштириш миллий органининг асосий функциялари:

- давлат стандартларини тасдиқлаш;
- савдодаги техник тўсиқлар бўйича Келишувга мувофиқ стандартларни ишлаб чиқариш, тасдиқлаш ва фойдаланишга нисбатан ҳалол ишлаш амалиёти кодексини қабул қилиш;
- давлат стандартларини ишлаб чиқиш дастурларини белгиланган тартибда қабул қилиш ва чоп этиш;
- давлат стандартларини илмий-техник экспертизадан ўтказишни ташкил этиш;
- ЎзСТни миллий иқтисодиёт манфаатига мувофиқлигини таъминлаш;
- стандартларни рўйхатдан ўтказиш;
- давлат ва хўжалик бошқарув органлари билан стандартлаштириш бўйича техник кўмиталарни ташкил этиш;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини тузиш ва юритиш;
- халқаро ва давлатлараро стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уларни қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини таъминлаш;
- стандартлаштириш соҳасидаги халқаро, давлатлараро, минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш.

4.2. Стандартларни қўллашнинг ихтиёрийлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни техник регламент қабул қилиниши билан маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлардан фойдаланиш ихтиёрий тус олишини белгилаб берди (22 модда). Бундан келиб чиқади-ки, агар маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга техник регламентлар тасдиқланган бўлса, стандартлаштириш бўйича янги ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатлар фойдаланиш учун ихтиёрий бўлади.

О'z DSt ISO/IEC 2:2007 стандартига мувофиқ “стандарт – консенсус асосида ишлаб чиқилган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган, умумий ва қайта-қайта фойдаланиш учун турли фаолият турлари ёки уларнинг натижаларига тегишли қоидалар, умумий принциплар ёки тавсифномалар белгиланадиган ва аниқ соҳада тартибга солишнинг оптимал даражасига эришишга йўналтирилган ҳужжат”.

ISO/IEC таърифи бўйича: хизматлар, жараёнлар, товарларга оид ҳар хил фаолият турларига тегишли стандартлар консенсус асосида ишлаб чиқилади, ихтиёрий ёки мажбурий бўлишлари мумкин. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг савдодаги техник тўсиқлар бўйича Келишуви (СТТ) таърифи бўйича стандартлар қўллаш учун ихтиёрий бўлади.

Шу билан бирга, қатор ҳолатларда стандарт талабларини бажариш мажбурий бўлади:

1. Амалдаги қонунчилик, контрактлар, шартномаларда стандартларга риоя қилиш бевосита кўрсатилса.

2. Агар хўжалик субъекти (тадбиркорлик субъекти) маҳсулотнинг маълум стандарт талабларига мувофиқлиги тўғрисида расман эълон қилган бўлса ушбу стандартга риоя қилиш мажбурий бўлади.

Умумий ҳолда стандартлар истеъмол хусусиятлари ва тавсифларини ўз ичига олади.

Ихтиёрий стандартларга хизмат, жараён, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кўтариш мақсадида хавфсизликка қўйиладиган юқори даражадаги талаблар, (чунки, техник регламентларда хавфсизликнинг минимал даражаси белгиланади); ресурслардан оқилона фойдаланиш талаблари; техник ва инфор­мацион мослик; ўзароалмашувчанлик талаблари киритилиши мумкин. Маҳсулотларнинг ушбу тавсифлари истеъмолчи учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шубҳасиз, ресурслардан ноўрин фойдаланилган, номувофиқ бўлган ёки ўзароалмашилмайдиган товарни сотиб олишни истайдиган истеъмолчилар камдан кам топилади.

Асос бўлувчи ташкилий-методик ва умумтехник стандартлар фойдаланиш ва риоя қилиш учун мажбурий бўлиши лозим. Стандартларни ишлаб чиқиш, ўзаро келишиш ва тасдиқлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, стандартларнинг тури ва тоифасини аниқлаш, халқаро, давлатлараро, европа ва хорижий стандартларни қабул қилиш, баҳолаш ва мувофиқлигини тасдиқлаш процедураси, аккредитлаш, юридик ва жисмоний шахсларни, лабораторияларни, ходимларни аттестатлаш, таснифлаш ва кодлаш ва бошқа қоидалар ҳамма учун бир хил бўлиши керак. Техник жиҳатдан тартибга солиш шароитларида стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва фойдаланишга ҳалол ишлаш амалиёти кодекси томонидан жиддий талаблар қўйилади (бундан буён - ҳалол ишлаш амалиёти кодекси) ва уларга мажбурий риоя қилинади. БЖСТ аъзолари давлат ёки нодавлат органларининг ҳалол ишлаш амалиёти кодексини тан олиши ва унга риоя қилишини ҳамда стандартлаштириш органларининг ҳалол ишлаш амалиёти кодексига зид ҳаракатларга йўл қўймаслигини таъминлайди.

Ҳалол ишлаш амалиёти кодексининг асосий талаблари:

- савдода ортиқча тўсиқлар пайдо бўлишига олиб келаётган ёки тўсиқлар яратадиган стандартларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ёки қўллашнинг олдини олиш;
- стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда консенсусга эришиш, халқаро, минтақавий ва давлатлараро стандартлар билан қисман мос келишлари ёки бир-бирини такрорлашига йўл қўймаслик.

Шундай қилиб, стандартлар ихтиёрий бўлишига қарамасдан, илмий-техник тараққиётни олға бостирувчи куч, миллий маҳсулот рақобатбардошлиги ва сифатини

таъминлайдиган муҳим омил бўлиб қолади, шунингдек жаҳон бозорига Ўзбекистон маҳсулотларига йўл очиб беради.

4.3. Халқаро (минтақавий) стандартларни қўллаш

Халқаро стандартлар иқтисодий ривожланган давлатларнинг илғор техник ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, илмий-тадқиқот ишлар натижаларини, истеъмолчиларнинг кенг оммаси ва давлат бошқарув органларининг талабларини ўзида акс эттиради. Ушбу стандартлар дунёдаги кўпгина давлатлар учун қоида ёки умумий принциплар ҳисобланади, шунинг учун халқаро ва минтақавий стандартларнинг миллий стандартлар сифатида қўлланиши миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун стандартлаштириш тизимини ислоҳ қилишда халқаро ва минтақавий стандартларни қўллаш устувор йўналиш бўлиб қолиши лозим.

Шу билан бирга, халқаро стандартларни кенг қўламда қўллаш қатор сабабларга кўра анчайин мураккаб масала ҳисобланади. Бундай сабабларга миллий хавфсизлик талаблари, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки хавфсизлиги, атроф муҳит, технологик, географик, иқлим билан боғлиқ муаммоларни киритиш мумкин. Бироқ бу ҳолатларда ҳам миллий стандарт талабларининг халқаро стандартлардан фарқланишини камайитиришга интилиш керак. Бундай концепцияни Европа Иттифоқи Кенгашининг “Европада стандартлаштиришнинг роли” тўғрисидаги 1999 йил 28 октябрдаги халқаро стандартларга зид бўлган миллий стандартларни, ҳатто халқаро стандартлар самарасиз бўлган ёки қўйилган мақсадга муносиб бўлмаган ҳолларда ҳам бекор қилишга чақирган қарори ҳам яққол тасдиқлайди.

Шуни инобатга олиш керакки, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга ўрнатилган стандартлардан ташқари атамалар, ўров-идиш, тамғалар ёки ёрликларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга, мувофиқликни баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қоидалари ва усулларига қўйиладиган талабларни белгилайдиган юзлаб бошқа халқаро ва европа стандартлари қабул қилинган бўлиб, улар техник регламентларни ишлаб чиқиш учун норматив база бўлиб хизмат қилиши керак.